



# O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 9-iyul. Shanba

81 (31.357)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



**Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демақдир. Амир Темурни англаш — ўзагимизни англаш демақдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демақдир.**

**Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳар бир юрtdошимизни зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади.**



### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

#### ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мадани кучайтириш мақсадида:

1. 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: а) ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 57 200 сўм; б) болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 111 875 сўм;

з) зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 68 645 сўм миқдоридида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилидиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари,

бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидидаги қорхона ва ташкилотлар 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2011 йил 7 июль

### ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



Владимир ГОНЧАРЕНКО олган суратлар.

## Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш

партия ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Тошкент шаҳар ва Яқкасарой туман кенгашлари билан бирга, пойтахтимиздаги Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидирув институтида «Мустақиллик йилларида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масалалари» мавзусида ўқув-семинар ташкил қилди.

Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, маҳаллий партия кенгашлари ходимлари, бошланғич партия ташкилот етакчилари ҳамда фаоллар иштирок этди.

— Демократик ислохотлар, янгилаш жараёнини кенг ёритиш, юрtdошларимизда ҳаётга янги қараш, хусусан, ёшларда фаол фуқаролик позицияси шаклланишида оммавий ахборот восита-

лари муҳим вазифани бажармоқда, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида устувор вазифалар белгилаб берилди. Бундан мақсад — оммавий ахборот воситаларини одам-

лар ўз фикр ва қарашларини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришдан иборат. Бу жараёнда партия-миз фаоллари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар муносиб иштирок этиши керак.

— Жамият ва давлат доимо ривожланишида, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каримова. — Шундай экан, матбуот замон талабига жавоб бера олиши керак. Айниқса, журналистларнинг мамлакатда ва жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга ҳолис ва тезкорлик билан муносабат билдириши жуда муҳим. Бунинг учун, албатта, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асосларини, моддий-техник базасини янада

мустаҳкамлаш зарур. Концепция асосида ишлаб чиқилган қонунларда партия-миз фракцияси бунга алоҳида эътибор қаратади.

Семинарда, шунингдек, бугунги кунда партия матбуоти ва интернетдаги сайти орқали ахборотни ўз вақтида, тез ва холис тақдим этиш масаласи юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси, ҳудудий партия ташкилотлари ва маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини таҳлилий ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиқни янги поғонага олиб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Элмурод ЭГАМКҲУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### Эътироф

Саёҳат қилиш учун Ўзбекистонни танлаганимдан мамнунман. Бу ернинг мусаффо ҳавоси, гўзал табиатининг ўзи кишига руҳий енгиллик, куч-қувват бағишлайди. Самарқанддаги тарихий обидалар билан бирга, замонавий турар-жойлар, меҳмонхона ва хизмат кўрсатиш масканлари, бог ва хиёбонларни томоша қилдик. Самарқанд бизда тарихий мерос улуғланган замонавий шаҳар сифатида катта таассурот қолдирди.

Серқуёш юртингизда ҳозир турли мевалар пишган вақт экан. Уларнинг таъми оғзимизда қолди. Бозорлар тўкин-сочин, дастурхонлар ноз-неъматга тўла. Халқингизнинг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги таҳсинга лойиқ.

Гюнтер ДИЕЛ, (Германия).

### Янгилик

## Ёшлар учун янги иш ўринлари

Андижон шаҳрида Бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва шаҳар прокуратураси ташаббуси билан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Тадбирда 119 та ташкилот, қорхона, муассаса ва хунармандлар аҳолига бўш иш ўринларини тақлиф этишди.

— 12 нафар маҳалладошим касб-корларига яраша иш топиш ниятида келган эди, — дейди «Ўзгариш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмудохон Ибрагимов. — Улардан уч нафари ихтисослиги бўйича ишга жойлашди.

Айниқса, ярмаркада коллеж битирувчилари ўзларига мос иш танлаш имконига эга бўлдлар.

— «Жаҳон буюм бозори»да компьютер мутахассислигига эҳтиёж бор экан, — дейди коллеж битирувчиси Бобурбек Толибжонов. — Компьютер ва офис жиҳозларини соғлаш ва таъмирлаш малакасига эга бўлганим учун шу ерга йўланма олдим.

Бўш иш ўринлари ярмаркасида 83 нафар фуқарога йўланма берилди, яна ўнлаб одамлар ўқув курсларига тақлиф этилди.

(Ўз мухбиримиз).

### Диққат, янги рукн!

## Мустақиллик майдонидаги мулоқотлар

Мустақиллик майдони... Қадамидан ўт қақнаётган озод юрт ёшлари, бахтли болалиқнинг шодон кулгулари, ёши улуғларимизнинг тинчлик, озодлик шукроналари, Мустақиллик ва эзулик монументи пойига гул қўяётган Ўзбекистонимиз дўстлари, меҳмонлари, юрtdошларимиз, бахтиёр келин-куёвлар, Эзулик аркасидаги лайлаку турналарга қўлини чўзиб югураётган ўғил-қизлар... Мустақиллик майдони. Озод инсонлар орзулари, ниятлари, интилишлари.

→4



## «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» — ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДАГИ НУҒУЗЛИ ТАНЛОВ

Юртимиз мустақилликни қўлга киритган буюк тарихий сана, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрами тобора яқинлашмоқда. Шундай шуқуҳли дамларда Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлининг залворли ютуқларини, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини ёрқин ҳаётини мисоллар асосида жаҳонро кенг тараннум этиш муҳим аҳамиятга эга.

→2

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



Хизматлар лицензияланган

# КОНЦЕПЦИЯ:

## Телекоммуникация тизими такомиллашади



Улугбек ХОЖИБЕКОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси

— «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонун меъёрларини янада такомиллаштириш лозимлиги таъкидланган.

Авалло, шунинг айтиши керакки, мазкур Қонун телекоммуникацияларни яратиш, ишлатиш ва ривожлантириш жараёнидаги муносабатларни тартибга солиди.

Бугун ҳаётимизни телекоммуникацияларсиз тасаввур этиш қийин. Телекоммуникация воситалари — жамиятда ахборот ва фикр алмашинуви таъминлашнинг асосий воситаси. Шу боис, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кундан-кун ривожланиб бораётган ҳозирги вазиятда уларнинг имкониятларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш мумкин. Маълумки, телекоммуникация тизимида хизмат кўрсатувчи субъектларнинг тендер асосида лицензияга эга бўлиши ахборот олиш, тайёрлаш ва узатиш борасидаги мазкур ахборот воситаларидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш талаб этилади.

Ахборот олиш, тайёрлаш ва узатиш жараёнида иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, улар учун қўшимча имкониятлар яратилиши сиёсий модернизация жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, телекоммуникациялар соҳасида иштирок этувчи субъектлар фаолиятини лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, бу жараёнда эркин бозор муносабатлари ривожланиши учун қулай шарт-шароит яра-

тиш лозим.

Бугунги кунда телерадиоэшиттиришларни тарқатиш тармоқлари лойihalаштирилиши, қурилиши, улардан фойдаланиш ва уларнинг хизмат кўрсатиши тегишли тартибда лицензияланади. Телекоммуникациялар соҳасида муайян фаолият турини амалга ошириш учун бериладиган лицензиялар намунавий ёки яқка тартибда бўлиши мумкин. Қонун меъёрларини такомиллаштиришда телекоммуникациялар соҳасида хизмат кўрсатмоқчи бўлган нодавлат ноижорат ташкилотларга қўшимча имтиёзлар белгилашни мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда бир масалага эътибор қаратиш керак. «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунда соҳадаги айрим фаолият турлари учун лицензия бериш танлов (тендер) асосида амалга оширилиши ҳам белгилаб қўйилган. Маълумки, телекоммуникация тизимида хизмат кўрсатувчи субъектларнинг тендер асосида лицензияга эга бўлиши ахборот олиш, тайёрлаш ва узатиш борасидаги мазкур ахборот воситаларидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш талаб этилади.

Бунинг барчаси телекоммуникация хизматлари провайдерининг имкониятларини ошириб, уларнинг сифати ва тезкор хизмат кўрсатишида муҳим омил бўлади. Бу эса телекоммуникациялар хизматидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг танлаш имкониятларини кенгайтиришига, жамиятда фаол ахборот алмашинуви учун қулай шарт-шароит яратишига хизмат қилади.



Абдуқоҳқор ЮСУПОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси

— Жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллик ортиши, кишиларда ўз ҳаётига масъуллиқ, атрофдаги янгиликларга очик муносабат билдириш, кўникмаси кучайиши, бир сўз билан айтганда, фаол фуқаролик позицияси шаклланиши ахборот алмашинуви жараёнига бевосита боғлиқ. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да бунга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги ислохотларни жадаллаштириш учун қатор чора-тадбирлар белгиланди. Шулар қаторида рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш жараёни жадаллаштириш масаласи илгари сурилди.

Нафақат марказда, балки мамлакатимизнинг олис қишлоқ ва туманларида рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш аҳолининг тезкор ва зарур ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради. Бу орқали нафақат диёримизда, балки дунёда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар кенг жамоатчиликка ўз вақтида етиб боради.

Шунинг учун телекоммуникациялар тизимидаги фаолият ахборот-коммуникация воситаларининг бугунги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши зарур. Бу борада хизмат кўрсатувчилар, айтиш пайтда, фойдаланувчилар учун қулай, самарали тизим яратилиши, бунда уларнинг манфаатлари демократик андозалар асосида ифода этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳар қайси соҳада ютуққа эришиш мазкур тизимнинг бошқа муҳим жиҳатлари билан бирга, иқтисодий асослари мустақамлига бевосита боғлиқ. Айниқса, ахборотни тезкор қабул қилиш, тайёрлаш ва узатиш тақозо этилаётган бугунги шароитда телекоммуникация хизматларини ташкил этувчи субъектларга иқтисодий имкониятлар яратиш, уларнинг молиявий манфаатдорлигини таъминлаш соҳа ривожига ёрдам беради.

Шу боис соҳага замонавий бозор муносабатларини жорий этиш, бу борада ҳуқуқий-иқтисодий асосларни мустақамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилашни мақсадга мувофиқдир. Бу телекоммуникация хизмати кўрсатувчилар фаолияти самардорлигини кучайтиришида муҳим омил бўлади. Пировадиди, фуқароларнинг сифати ахборот олиш, тезкор маълумот узатишига бўлган эҳтиёжи янада тўқис таъминланади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тўлқин Тўрақонов эътибор олди.

## «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» — ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДАГИ НУФУЗЛИ ТАНЛОВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу оммавий ахборот воситалари вакиллари, хусусан, журналистлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарориди мазкур йўналишда муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу қарорга асосан иштирокчиларда юртимизда амалга оширилган улкан ишларни кенг тарғиб этиш, оддий, ҳаётий мисолларда уларнинг моҳиятини очиб бериш мақсадида журналистларимиз самарали меҳнат қилмоқдалар. Бу йўналишдаги ишларга салмоқли ҳисса қўшаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини рағбатлантириш мақсадида журналистика соҳасида «Энг улуг, энг азиз» танлови ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўтказилаётган «Энг улуг, энг азиз» анъанавий танловининг аҳамияти, ушбу нуфузли тадбирга тайёргарликнинг бориши хусусида **Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов** билан суҳбатлашди.

— Бугунги давр журналистлар олдида тобора катта вазифаларни кўймоқда, — дейди Ш.Фуломов. — Президентимиз шу йил 27 июнь кунини матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўнатиш билан байрам табригида қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади: «Матбуот минбаридан айрилган сўз қандай қудратли акс садо бериши мумкинлигини, унинг таъсири ва самарасини ошириш аввало сизларнинг маҳоратингиз, ижтимоий позициянгиз, инсоний ва ижодий фазилатларингизга, ҳамisha масъулият тўғриси билан иш олиб боришингизга боғлиқ эканини миллионлаб муштарийлар яқини билди ва сиздан айнан шунини кутади».

Албатта, бу самимий сўзлар биз, журналист аҳлига катта кувонч бағишлаб, барчамизни эл-юрт ва халқимиз хизматига ҳамisha тайёр туришига ундайди, зиммамизга катта масъулият юклайди. Юртбошимиз табригида олдимизга қўйилган вазифалар фаолиятимизни, имконият ва салоҳиятимизни танқидий баҳолаш, ижодимизга янада масъулият ҳисси билан ёндашишга даъват этади. Халқимиз журналистларини Ватан тараққиёти, юрт равнақига, ҳақиқат ва адолат барқарорлигига хизмат қиладиган фидойи ижод аҳли, деб билади. Шундай экан, бугун журналист юртимиз манфаатининг томи маънодаги ҳимоячиси бўлиш, мазкур соҳада мамлакатимиз ва жаҳонда тўпланган илгор иш тажрибаларини пухта ўзлаштириш лозим.

Бунинг учун юртимизда журналистлар учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Иштирокчиларда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Оммавий ахборот воситалари соҳасида қабул қилинган демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган ўнга яқин қонун ҳужжатлари журналистларнинг эркин фаолият юритиши, ахборот олиши, матбуотимизнинг амалда мустақил бўлишини таъминламоқда.

Журналистларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уларни янги ижодий марралар сари руҳлантириш масалаларига давлатимиз ва ҳуқуқимиз доимий эътибор қаратмоқда. Шу маънода, «Энг улуг, энг азиз» танлови журналистлар учун катта рағбат бўлмоқда.

— Мазкур танловнинг истиқлолимиз йигирма йиллиги нишонладиган жорий йилдаги аҳамияти ва унга оид янгиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз. — Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, Ватанимиз мустақиллиги кунига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» танлови олдинги йилларда бешта йўналиш — бадий адабиёт, босма оммавий ахборот воситалари, телерадио журналистикаси, тасвирий санъат ва кино санъати соҳаларида ўтказиб келинади. Ўтган йилларда ўнлаб журналистлар ушбу нуфузли танлов голиби бўлдилар.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи зикр этилган қарорига биноан мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги муносабати билан санъат соҳасида алоҳида танловлар ўтказиб белгиланган. Шунга мувофиқ, жорий йилда «Энг улуг, энг азиз» республика танлови фақат журналистика соҳасида ўтказилмоқда. Танлов Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш

жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Танловнинг мақсади «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» деган эзгу ғояни, ўтган йигирма йил мобайнида барча соҳалар ва тармоқларда қўлга киритилган ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудратини, юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ очиб бериш ва халқро жамоатчиликка етказишга қаратилган. Айни вақтда мустақиллик биз учун энг буюк ва энг азиз қадрият экани, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги улкан ишларни, давлатимизнинг халқро майдонда нуфузи ошиб бораётганини оддий, ҳаётий мисолларда кенг аҳоли қатлами эътиборига ҳавола этиш кўзда тутилган.

«Энг улуг, энг азиз» танлови — матбуот, телевидение, радио ҳамда интернет-журналистика, фото ва дизайн ишлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир йўналиш 1-, 2-, 3-ўрин даражасида баҳоланади. Бундан ташқари юқоридаги соҳалар бўйича иккитадан рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танловга 2010 йилнинг 1 августидан 2011 йилнинг 1 августигача бўлган даврда газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Таъкидлаш жоиз, «Энг улуг, энг азиз» республика танловини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан молиялаштирилади.

— Айтинг-чи, шундай танловлар жараёнида ҳамкасбларимизнинг ижодий маҳорати, бугунги замон билан ҳамнафаслиги қандай жиҳатларда намоён бўлмоқда?

— Айни шу жиҳатлар юртимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 1218 оммавий ахборот воситаси мавжуд бўлиб, шундан 700 номдагиси газета, 250 номдагиси журнал, 17 номдагиси бюллетень-ахборотномалардир. Шунингдек, юздан ортик телерадиотармоқлари фаолият кўрсатмоқда, 150 веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган. Мамлакатимизда тўртта ахборот агентлиги ишлаб турибди.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни тарғиб этишда журналистларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳақида гапирганда, аввало, мавлуд журналистик тизимини янги миллий мазмун билан бойитиш асослари яратилганини таъкидлаш жоиз. Бу аҳдолар меросига эҳтиром, миллий руҳ ва ўзликини англаш, оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тугган ўрнига алоҳида эътибор, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш, журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги изчил ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Шу билан бирга, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, ҳаётимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этишга қаратилган минбарга айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

ЎЗА МУХБИРИ ХУСНИДДИН БЕРДИЕВ СУҲБАТЛАШДИ.

### ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



## Партиянинг самарали фаолияти

кадрлар салоҳиятига боғлиқ

■ Бухоро вилоят партия кенгаши ташкил этган семинар шу масалага бағишланди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, «Фаол аёллар», «Истикбол» ёшлар қанотлари вакиллари ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят ахборот-таҳлил маркази ходимлари иштирок этди.

фаол аъзолар, партиянинг жамоатчилик ишларида ўзини кўрсатаётган хайрихоҳлар орасидан кадрлар захираси тайёрланган. Энди улар билан ишлаш, сиёсий билимлари ва фаоллигини янада ошириш зарур.

— Бухоро шаҳри, Қоровулбозор ҳамда Когон туман партия кенгашлари билан бирга, кадрлар масаласида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқдик, — дейди «Фаол аёллар» қаноти Бухоро шаҳар бўлими етакчиси **Маъмура Сафоёва**. — Бунда асосий эътибор бошланғич ташкилотлар ишини такомиллаштириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, ёшлар орасида хайрихоҳ қатламни шакллантириш масаласига қаратилган. Ҳозир вилоятда 709 та бошланғич партия ташкилоти бор, уларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлаш зарур. Куйи бугун етакчилари учун махсус ўқув-семинарлар ташкил этиш мақсада мувофиқдир.

— Вилоятда 25252 нафар ЎзХДП аъзоси бўлса, шундан 9371 нафари аёллар, 7772 нафари ёшлардан иборат, — дейди **Олот туман партия кенгаши раиси Фирюза Ювмитова**. — «Фаол аёллар»

ва «Истикбол» ёшлар қанотлари фаолиятини жонлантириш кадрлар захирасини кучайтириш муҳим ўрин тутди.

Бунинг учун маҳаллалардаги фаол аёллар, ташаббускор ёшлар орасига чуқур кириб боришга қаратилган тадбирларни замонавий усулларда олиб боришимиз керак.

— Партия фаоллари малакасини ошириш, айниқса, ёш фаолларнинг узлуксиз таҳриб-алмашишини таъминлаш муҳим вазифаларимиздан биридир, — дейди «Истикбол» ёшлар қаноти **Вобкент туман бўлими етакчиси Зухра Нарзиёва**. — Сафимиздаги ёшларнинг билим ва салоҳияти, сиёсий ва маънавий етуқлигини ошириш учун шароит яратиш, бу борада ахборот-ресурс марказлари имкониятларидан кенг фойдаланиш яқини самара беради. Келгусида депутатликка номзодлар, партия ташкилотларида ишлайдиган, сайланма органларимизга сайланадиган кадрлар улар орасида шаклландир экан, бу вазифалар долзарблигича қолаверади.

Тадбирда партия фаолиятини янада жонлантириш бўйича қатор ташаббус ва тақлифлар ўртага ташланди.

Лазиза ШЕРОВА



# Буюк Соҳибқирон изидан

■ Мустақиллигимизга шарафати билан улуг аждодларимиз тарихини эркин ўқиб-ўрганиш имкониятига эга бўлди. Амир Темури, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, темурийлар даври, умуман ўтмишимизни теран тадқиқ этишга киришдик.

Яқинда Амир Темури қаламига мансуб «Темури тузуқлари» асари мукамал ҳолда, юксак сифат билан янгитдан нашр этилди. Маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган мазкур китоб Президент Ислам Каримовнинг сўзбошиси билан очилади. Бу тарихимизга бўлган қатъий эътиборнинг ёрқин намунаси.

Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган навбатдаги сафари ана шундай қутлуғ кунларда амалга оширилгани ўзига хос рамзий маънога эга. Бугунги кунда Ўзбекистон дунёга кенг назар ташламоқда, дунёни ўрганмоқда, айна пайтда ўзини оламга танитмоқда, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини намойиш этмоқда. Улуг бобуларимиз изларидан юриб, тарихимизни бойитадиган янги маълумотлар топиш, муҳим қўлэма ва ноёб китоблар йиғиб, истеъмолга киритиш Бобур жамоат фондининг асосий мақсадларига қиради. Экспедициянинг навбатдаги «Соҳибқирон Амир Темури қадимлари бўйлаб» сафари ҳам ана шу режалар қаторидан ўрин олган эди.

Маълумки, экспедиция аввалги сафарларида Соҳибқироннинг Туркменистон, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Сурия, Йордания, Кавказ ўлкаларидаги қадимийларини ўрганган, изланиб кўпгина муҳим манбаларни қўлга киритган эди. Бу галги мақсадимиз Дашти Қўпчоқнинг — ҳозирги Қозғонистон Республикаси, Россия Федерацияси ҳудудларида бўлиб, илмий изланишларни амалга оширишдан иборат эди.

Тарихда Амир Темури бобомизнинг юқорида зикр этилган ҳудудларга бир неча бор юришлар қилгани маълум. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида унинг миллодий 1366 йилда Сайрам (қадимги номи Исфижоб) билан Чаманкент (ҳозирги номи Чимкент)га борганлиги эслатилади.

Турон юрти муҳофазаси ҳамда халқаро мақоми кўндан бермаслик мақсадида буюк Соҳибқирон Мўғулистон (Чинга'т) улуси парчалангандан сўнг Шарқий Туркистон, Еттисув, Тангритоғ этаклари, Балхаш кўли, Иртиш ва Эдил дарёлари атрофидаги ерларни ўз ичига олган, Туғлуқ Темурхон томонидан тузилган давлатга), Олтин Ўрдага қарши от сурган. 1405 йили Хитойга юриш уюштириб, қадимий Ўттор шаҳрига боргандан бетоб бўлиб оламдан ўтган.

Биз Форобда бўлиб, муаллими соний Абу Наср Форобий руҳларига Қуръон тиловат қилдик. Сўнг Соҳибқироннинг сўнгги маскани бўлган Ўттор қалъасига ўтдик. Бу шаҳар миллоддан аввалги биринчи асрда бунёд этилган, ўша пайтларда 150 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, Чингизхон боққинида ваёрон этилган. Оқ Ўрда хонлари томонидан яна тикланган, Амир Темури ва темурийлар даврида мустақкам харбий истеҳкомга айланган, масжид, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, кўркам иморатлар, рамон кўчалар солинган. XVI асрга келиб ўзари ички низола оқибатида хувилаб қолган Ўттор шаҳрида бугун олиб борилмаган археологик қазилма ишлари билан танишдик. Археолог-олимларнинг айтишларича бу ерда осмон остидаги очик музей ташкил қилиш

кўзда тутилган. Ўтторга ўхшаш тарихий шаҳар харобалари бизнинг мамлакатимиздаги Термиз, Самарқанд, Хива ва водий шаҳарларида ҳам мавжуд бўлиб, у жойлардан ўзбек халқининг кўна тарихи хусусида қимматли маълумотлар топиламоқда. Жумладан, Андижон вилоятининг Марҳамат туманида жойлашган қадимги Мингтепада ҳам ана шундай изланишлар олиб борилмоқда.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг пири ва бобоси Арслонбоб мақбарасини зиёрат қилдик. Мақбара жойлашган мавзё «Темури овули» деб аталаркан. Бу барчамизнинг диққатимизни тортиди.

Туркистон шаҳрида «Туркистоннинг шайхул-машойихи» (Алишер Навоий таъбири) Хожа Аҳмад Яссавий қабрларини зиёрат қилдик. Миллодий 1397 йилда Амир Темури Ясси (Туркистон)га ташриф буюриб, кўндан ўйлаб юрган ниятини амалга оширади — мавжуд бўлган кичик сағана устида бугунги кунда савлат тўкиб турган маҳобатли мақбара мажмуи барпо этиш ҳақида фармон беради, бино битгандан кейин унга вақф ерларини ажратишни таяинлайди. Бу ҳақда Соҳибқирон чикарган «Иноятнома — Вақфнома» ўн тўққизинчи асрда ҳам амалда эди.

Яссавий мақбараси ўзининг кўлами жиҳатидан ўша замонда бунёд этилган Самарқанддаги Бибиноним жомеъ масжиди, Кешдаги Оқсарой ва Дор ус-Сийёдатларга тенглашадди. Яссавий мақбараси ёнидаги Улуғбек Мирзонинг қизи, Абулхайроннинг рафиқаси Робия Султон бегим мақбарасини ҳам зиёрат қилдик. Маълумки, Амир Темури миллодий 1391 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамышхонга қарши юриш қилар экан, улкан лашкар даставвал Саброн шаҳрида тўхтайдди, ундан Сарик Ўзан мавзёга — ҳозирги Қозғонистоннинг Тўрағай вилоятидаги Сарикқўпа кўлига қуйилувчи сойдан ўтиб, Кичик тоғни ортда қолдириб, Жезқазғондан юз километрга шимолроқда жойлашган Улуғтоғга етди. Бу ерда тарихимиз учун жуда муҳим бўлган аjoyиб ҳодиса юз беради: Амир Темури фармони билан Соҳибқирон тузган куйидаги матн эски ўзбек тилида тошга ўйиб ёзиб қўйилади. Мана, ўша сўзлар:

«Тарих етти юз тўқсон учда, куй йил, қўлқамнинг ора ойида Туроннинг султони Темурибек икки юз минг кўшин билан ислом учун Тўхтамыш... хонлигига юриди. Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битигтошни эздирди. Тангри нусрат бергай, иншоолло. Тангри фуқарога раҳм қилгай, (фуқаро) бизни дуо бирла ёд қилгай...»

Биз бу ҳужжатдан Темурибекнинг расмий унвони «Турон султони» эканини, унинг давлати расман «Турон» деб аталганини билиб оламиз. Мазкур нодир ёдгорлик ҳозир Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида сақланмоқда.

Турон кўшини Улуғтоғдан кейин Илланчи дарёсидан ўтиб, тўрт ой даштда йўл босиб, Қус-

танай вилояти жануби-ғарби тарихий шаҳар харобалари томонидан Тоғол дарёсига чиқади.

Ушбу жойлар орқали сафар йўналишини давом эттирар эканмиз, Қозғонистон ҳудудида Россияга ўтиш пайтида Троицк шаҳри яқинидаги чегара-божхона масканларида бирмунча расмиятчиликни енгиб ўтиш учун ярим кун вақтимиз кетди. Беш юз километр масофани босиб ўтиб Челябинск шаҳрига етиб бордик. Эртасига Варна томон йўл олар эканмиз, Амир Темури қадами етган Тоғол дарёси бўйида тўхтадик. Дарёдан Фарб томонга мардонавор кечиб ўтаётган Турон кўшини аскарларини хаёлимиздан бир-бир ўтказдик.

Экспедициямизнинг режасига халқ орасида ва тарихий манбаларда «Амир Темури минораси» (Башия Тимура) деб аталадиган шарқона тарихий ёдгорлик билан яқиндан танишиш ҳам киритилган эди. Бу табарруқ зиёратгоҳ Челябинск вилоятининг Варна туманида жойлашган бўлиб, вилоят марказидан уч юз километрлар жанубда экан.

Машинамиз туманга кираверишда «Варна» деб ёзилган катта дарвоза олдида тўхтади. Атроф ям-яшил, хушманзара жойлар. Дарвоза пештоқида шарқона бир осори атиқа сурати нақш қилинган эди. Бу эрда ёзилган «Амир Темури минораси» бўлиб, бу ёдгорлик Варна туманининг рамзи сифатида қабул қилинган экан.

Туман марказидан беш чақиримча жануби-шарқда кенг дала ястаниб ётарди. Узокдан даланинг ўртасида миноранинг

сабабларга кўра бинонинг ич қисми текислаб юборилган экан. Қабртошларда маълумот берувчи ёзувлар бўлиши табиий эди.

Ўша пайтда ўтказилган тадқиқотлар натижасида пойдевордан иборат бўлган уч метр сағана остидан монголоид аёл ва эркак бош чаноқлари топилганлиги қайд этилади.

Ёдгорликнинг айнан XIV асрда, Турон шаҳарларида урф бўлган қадимий қизғиш пишққишдан қурилгани, бундай услуб ва тарх билан обидалар тиклаш тажрибаси, аънанаси ўша даврларда кўшни ҳудудларда яшаган халқлар ва уларнинг ҳукмдорларида бўлмагани эътиборга олинса, мазкур «Амир Темури минораси»нинг Соҳибқирон меъморлари ва усталари ижодига мансублигига шубҳа қолмайди. Шунингдек, 1396 йили таникли шoir Сайфи Сароий томонидан «Сухайл ва Гулдурсун» достонининг ёзилиши ҳам ривоятдаги севишганлар воқеасининг ҳаққонийлигини, ёдгорликнинг Амир Темурига дахлдорлигини тасдиқлайди. Муаллиф бежиз қайд этмаган.

**Хатм эттим бунни тарихга**  
**Ёдгор,**  
**Бу ёдгориде ёлгон йўку**

Варнада бўлганимизда бизни Жанубий Урал темир йўл бошқармасига қарашли «Таймерлан» темир йўл бекати борлиги ҳам хайратга солди. Бунда ҳам Амир Темури минорасининг таъсири бўлгани аниқ.

Варнадан чиқаверишда «Ўзбек таомлари» деб ёзилган лавҳа эътиборимизни тортиди. У ерда миллий таомларимиздан тамадди қилиб олдик. Бу ҳам бизни, албатта, бефарқ қолдирмади. «Амир Темури минораси», «Амир Темури» бекати, «Ўзбек ошхонаси» ва Соҳибқирон номи билан боғлиқ бошқа жойлар... Бундай аталашларда бир-бирига боғлиқлик, мантиқийлик бор, албатта.

**Турон кўшини дашту биёбонларда олти ой йўл босиб, 1391 йил июнь ойида, ниҳоят, машаққатлар билан Қундузча (Кондурча) мавзёга етиб боради. У ерда 1391 йил 18 июнь куни нафақат Турон ва Русь, балки жаҳон тақдири учун муҳим аҳамият касб этган жанг содир бўлади.**

кораси кўринди. Унинг олдида етиб борганимизда, кўз олдимизда бизнинг тушунчамиздаги мақбараларга ўхшаш, чорқирра шаклда қурилган, баландлиги 17 метрлар келадиган бино қад кўтарди. Бинога минорасимон қўбба ўрнатилган. Кузатишларимизга қараганда, мақбара ичи 6,7х7,5 сиртки томонлари 12,5х10 метрни ташкил этади. Манбаларда бу ерда Амир Темурининг қизи (ё набираси) дафн этилганлиги зикр қилинади. Биз мақбарани зиёрат қилиб, Варна шаҳридаги туман тарихи музейига кириб, ўлка ва минора тарихи билан танишдик. Музей экскурсоводининг ҳикоя қилишича, бино XIV асрнинг охирида Амир Темури томонидан (балки унинг буйруғи билан) қурилган. 1769-1796 йиллари Санкт-Петербур университетининг профессори П.С.Паллас бошчилигида ушбу экспедиция мақбарада илмий-археологик тадқиқотлар олиб боради. Афсуски, таъмирлаш жараёнида номаълум

Маълумки, Амир Темури ва Олтин Ўрда хони ўртасидаги жанглардан бири ҳозирги Самарка вилояти ҳудудида бўлиб ўтган. Тўхтамышнинг Соҳибқирон хузурига бир неча бор юқунди келгани ва хар гал Амир Темури унга меҳрибонлик кўрсатгани маълум. Тўхтамыш ўзини унглаб, қадди-бастини тиклаб олган, Турон мулкининг шаҳри кентларига ҳужум қилиб, ёндириб қоча бошлади. Амир Темурининг элчилар орқали оғоҳлантиришларига парво қилмади. Охири тоқати тоқ бўлган Соҳибқирон Тўхтамышга қарши кўшин тортишга мажбур бўлади.

Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийларнинг ёзишларига, Турон кўшини дашту биёбонларда олти ой йўл босиб, 1391 йил июнь ойида, ниҳоят, машаққатлар билан Қундузча (Кондурча) мавзёга етиб боради. У ерда 1391 йил 18 июнь куни нафақат Турон ва Русь, балки жаҳон тақдири учун муҳим аҳамият касб этган жанг содир бўлади.

Бошқирлар ва Қозон татарларининг Амир Темури ва Тўхтамыш жанги тўғрисидаги тарихий тасаввурлари, қарашларини ўрганиб аниқлик киритиш мақсадида автоулоғимизни бир вақтлар Олтин Ўрда таъсирида бўлган ҳозирги Бошқирдистон ва Татаристон томон бурдик ва у жойларда керакли маълумотлар тўплашдик.

9 июнь куни Қозон университетиде профессор-ўқитувчилар Х.Миннегулов (академик), А.Юсупова, М.Бакиров, Т.Гилёзов, А.Ганиева ва бошқалар иштирокида ўтган мулоқотимиз мавзуси ҳам Амир Темури ва Тўхтамыш муносабатлари хусусида борди. Истиқлол йилларида нашр этилган «Темури тузуқлари», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Бобур Мирзонинг «Бобурнома», Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий», Бобур девони сингари



Челябинск вилоятининг Варна туманидаги Амир Темури минораси

китоблар юзасидан суҳбатлашдик, уларга ушбу асарлардан намуналар ҳада қилдик. Сўнг Қозон шаҳрининг диққатга сазовор жойларини — Қозон Кремли, Жомеъ масжиди, Волга соҳилларини зиёрат қилдик-да, асосий жанг бўлиб ўтган Самарка ва Ульяновск ҳудудларига қараб йўл олдик.

Вилоят маркази Самарка шаҳрига тўқсон километр қолганда, йўл кўрсаткичида «Кошки» деган номга кўзимиз тушди. У айнан биз қидириб келаётган кишилар яшайдиган ва тарихий жанг содир бўлган жой яқинидаги қишлоқ эди. Машинамиз тўхтаиб, кўрсаткичга бирпас қараб турдик-да, автоулоғимизни ўша ёққа буришга қарор қилдик. Бу қишлоқда истиқомат қиладиган ёш тарихий олим, машхур «Бир мурабба сири» мақоласининг муаллифи Михаил Арнольдони топдик.

Маълумки, Москвада чоп этиладиган «Наука и жизнь» журнали 2004 йили юқори синф

эмас, балки Кондурча дарёси бўйидаги Амир Темури Олтин Ўрдани тор-мор этган жангидир, деган фикрни олға суради.

Бу мулоҳазалар тарихга янгина қараш меваларидир. «Наука и жизнь» журнали танлов ҳайъатининг мақола муаллифини голиб деб топиши ҳам М.Арнольднинг қарашларининг ҳақиқатга яқин эканини кўрсатди. Чиндан ҳам, Амир Темурининг Россиянинг Олтин Ўрдага зулмидан озод бўлишидаги хизматлари каттадир.

Кошки қишлоғи Қозон — Самарка магистрал йўлидан 30 километр қапда жойлашган. Арнольдлар Кошки тумани марказидаги 20-уйнинг 9-хонадониде истиқомат қилишар экан. Экспедициямизнинг иши ўнгунда келиб, Михаил унинг юмушлари билан уйига келган эди. Бу биз учун айни муддао бўлди. Биз 9-10 июнь кунлари тарихий жанг содир бўлган жойларда Михаил ва унинг отаси, тарихчи Николай Арнольднинг билан бирга бўлиб,

рига кечки пайт етиб келдик.

Биз учун қутлимган, гоёқ қизқарли воқеалардан бири Соҳибқирон Амир Темури билан Тўхтамыш ўртасида бўлиб ўтган жанг манзарасини акс эттирадиган аънанавий этнографик фестивал ҳақидаги маълумотлар бўлди. Бу фестивални Самарка вилоят тарих ва ўлкашунослик музейи, вилоятдаги маданий-маърифий ташкилотлар ҳамкорлиқда ўтказиб келишмоқда экан. Мазкур оммавий тадбир ҳам рус халқининг улуг бобомизнинг донишманд ва зукколиги, шиъогаи бўлган ҳурмат ва эътибор намунаси.

Экспедициямизнинг галдаги вазифаси шу музей ходимлари билан, у ердаги тарихий ашёлар билан танишиш, фестивал ўтказиш жараёнидаги чуқурроқ ўрганиш бўлгани учун бу ерга ташриф буюрдик. В.Алабин номидаги мазкур музей директори Людмила Кузнецова ва унинг ўринбосарлари, бўлим мудирлари иштирокида қизқарли суҳбат бўлиб ўтди. Людмила Валентиновна Самаркада Амир Темури ва Тўхтамышхон муҳорабаси ва унинг аҳамиятига маҳаллий аҳоли катта эътибор билан қарашини баён қилиб берди. Унинг айтишига кўра, вилоят илмий жамоатчилиги Кондурча бўйидаги муҳорабани улуг жанг деб баҳолайди, ҳатто бир неча туманлар, у айнан бизнинг ҳудудимизда бўлиб ўтган деб баҳслашадди, барча кекса-ёш бу воқеанинг Самарка тупроғида юз бергани билан фахрланади.

Амир Темури жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан биридир, — деди музей директори Л.В.Кузнецова. — Кондурча дарёси бўйидаги жангинг аҳамияти катта. Унинг биз учун тарихий хизмати беқиеъ. Шу воқеага бағишлаб ёдгорлик билтилган эди. Ота-бола Арнольдлар бизни Қоровултепага бошладик.

Бизнинг фикримизча, муҳораба учун энг қулай жой Кондурча дарёси атрофида, Новае жизнь посёлкаси билан Надейино қишлоғи ўртасида бўлган. Мана, ўша Шарқ манбаларида Қундузча номи билан машхур бизнинг Кондурча дарёсиз! — деди Николай Арнольд. — Амир Темурининг қароргоҳи худди мана шу тепалиқда жойлашган. Бу ердан узок масофалар яққол кўриниб туради.

Сузга Михаил аралашди: — Ҳа, Шарқнинг буюк ҳукмдори Амир Темури 1391 йилнинг 18 июнида жанг олдидан айнан шу ерда, Қоровултепада турган. Шу ердан кенг микёсли жанг бошқарган. Атрофдаги Сантемир, Қондабулоқ, Қўш каби дарё ва жой номиари айнан ўша машхур жанг ва мурабба саркарда билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

Николай Анатольевич шу ерда аjoyиб бир тақлифни ўртага ташлади: — Агар мана шу тарихий масканда Амир Темурининг Тўхтамышхон устидан галабасига бағишланган ёдгорлик ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ушбу фикрни биз экспедиция аъзолари ҳам маъқуллаб, қўллаб-қувватладик. Биз Кондурча дарёси ва унинг атрофи, Қоровултепа манзил, «Темури овули», «Таймерлан» номида станция бекати (Жанубий Урал темир йўли), жуда кўп дўконлар, ошхоналар (Уфа, Атиров ва бошқаларни)ни кўрдик. Буларнинг бари халқ хотирасига ўрнашган. Хотира эса мангуликдир.

**Зокиржон МАШРАБОВ,**  
**экспедиция раҳбари,**  
**Ўзбекистонда хизмат**  
**кўрсатган маданий ходими,**  
**Муҳаммад АЛИ,**  
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**  
**Ваҳо РҲАҲМОНОВ,**  
**адабиётшунос олим,**  
**Қамчибек КЕНЖА,**  
**Ўзбекистонда хизмат**  
**кўрсатган маданий ходими,**  
**ёзувчи.**



Суратда: (чапдан) Қ.Кенжа, М.Али, Н.Арнольд, З. Машрабов, М.Арнольд, В.Раҳмонов

Диққат, янги рукн!

# Мустақиллик майдонидаги мулоқотлар



**Зафар ТҲИМУРОВ,**  
шифокор:

— Ҳозир Кўшработ туманиданман. Давлат санитария ва эпидемиология назорати марказида ишлайман. Айни пайтда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тажриба ошириш бўлими бўлиб дегунча, азим пойтахтимиз жамолини томоша қилишни, Мустақиллик майдонида келишни шерикларим билан одат қилиб олдим.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда катта ислохотлар ўтказилди. Мисол учун, ўзимнинг соҳамни олайлик. Ҳозирги ёшлар ишонмасликлари мумкин, собиқ тузум даврида тиббий жуда қолоқ эди. Кишлоқлардаги шароитларни эсласам, ҳозирги кунга таққосласам, ер билан осмонча фарқи бор. Худо кўрсатмасин, кимдир оғир касал бўлиб қолса ёки кунтилмаганда жароҳат олса уни туман марказига олиб боришга тўри келарди. Бунинг ўзи бўлмасди. У пайт-

ларда ҳозиргидек ҳар бир хонадонда машина қайда дейсиз.

Ҳозир-чи, туман ва вилоят марказларидаги шароитларни кўя туринг, кишлоқ врачлик пунктларини кўриб ҳавасингиз келади. Мен бир нарсани ишонч билан айта оламан: ҳозирги Кишлоқ врачлик пунктларида яратилган шароит шўро даврида марказий шифохоналарда ҳам йўқ эди! Ҳатто ўшанда биз бундай тиббий жиҳозлар борлигини билмасдик, тасаввур ҳам қилолмасдик.

Президентимизнинг нутқидаги бир жиҳат эътиборимни тортиди. Ўзбекистонда оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайди. Кейинги 20 йил давомида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга ошди. Мана, мустақилликнинг шарофати, мана сизга истиқлол берган имкониятлар!

Ҳар гал Мустақиллик майдонида келганимда раҳматли отам кўз олдимга келади. У киши умр бўйи чўпонлик қилиб, ҳўжаликнинг мол-қўйини боққан. Лекин собиқ тузум даврида на унинг ўзи, на меҳнати қадр топмади. Айнан мустақиллик йилларида отамга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» унвони берилди. Акам ҳам ота касбини танлаган. У ҳам истиқлол йилларида «Шухрат» медалига лойиқ қўрилди.



**Клара ҲУСАНОВА,**  
ўқитувчи:

— Самарқанднинг Челақ шаҳриданман. У ердаги 72-мактабда ўттиз йилдан бундан рус тили ва адабиёти фанидан дарс бераман. Қанча кучим етса, шунча вақт ўқитувчилик қилишга тайёрман.

Талабалигим Тошкентда ўтган. Шунинг учун ҳам бу шаҳарнинг қадри ўзгача. Пойтахтга тез-тез келишга ҳаракат қиламан. Ҳар гал бетакорор бунёдкорлик ишларидан хайратга тушаман.

Бу сафар «Чинобод» сўхатгоҳида соғлигимни тиклаш мақсадида келдим. Бугун шерикларим билан Мустақиллик майдонини зиёрат қилдик.

Истиқлол бизга берган имкониятлар беҳисоб. Айнан собиқлик йилларида оиламиз учун давлат томонидан уй ажратилди. Унганча кичкина ҳовлида турардик. Уша пайтдаги қувончимизни сўз билан таърифлаш қийин. Ўғлим ҳам Тошкентда ўқиди, ҳозир банк соҳасида ишлайди. Турмуш урғотини билан фарзандларимизнинг ҳузур-

халоватини кўряпмиз. Буларнинг ҳаммаси учун Истиқлолга шукрона айтмайим.

Кўпни кўрган инсон сифатида мустақиллик фарзандларига бир гапни айтишни истардим: Энг улуг, энг азиз нямат — Мустақилликни асраш сизларнинг қўлингизда.

**Абдуқамол БЕГИМҚУЛОВ,**  
пенсионер:

— Асли зоминликман. Салкам 40 йил мактабда она тили ва адабиёт фанидан дарс бердим.



Биз ўқиган, ишлаган даврларда мактаблар оғир аҳволда эди. Ҳозирги мактабларга қараган, ишонинг, биз бунақасини оруз ҳам қила олмасдик! Лицей ва коллежларни айтмай-сизми, буларнинг ҳаммаси истиқлол туфайли-ку!

Мамлакатимизнинг ҳамма жойига таралган равоин йўллар, чекка кишлоқларда тикланаётган замонавий уйларга боқинг. Улар ҳеч бир ривожланган давлатникидан кам эмас. Бундай беқиёс бунёдкорлик Юртбошимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз

ҳам» деган ниятларининг ижобатидир.

Бугун Мустақиллик майдонида қизим, набирам билан келдим. Бу ерга биринчи марта 1969 йилда келгандим. Ҳанда бу майдоннинг бугунги қиёфасини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Назаримда, мустақиллик бизга берган, бераётган имкониятларнинг ҳаммасини санашнинг ёки барчасини ёзишнинг иложи йўқ. Истиқлол энг аввало инсон қадрини юксалтирди. Қилинаётган барча хайрли ишлар замирида ҳам мана шу ҳақиқат мўжассам. Тилагим, шу болаларимиз биз кўрган қийинчиликларни, хўрликларни кўрмасин. Бу кунларнинг қадрига етиш керак.

**Рамила ДҲУЗДИБАЕВА,**  
халқ таълими ходими:



— Беруний тумани халқ таълими бўлимида услубчи бўлиб ишлайман. Тўрисиани айтсам, Тошкентни, Мустақиллик майдонини яхши кўраман. Пойтахтимизга ҳар сафар келганда бу майдонни зиёрат қиламан.

Тадбир

■ Андижон шаҳрида республика ёш автонаторатчилар танлови бўлиб ўтди. Унда 14 та жамоа вакили ўзларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бўйича олган билимларини намойиш этишди.

## Ёш автонаторатчилар

Икки кун давом этган беллашувда Андижон шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчиларининг «Пиёда» гуруҳи аъзолари фаол иштирок этиб, олди ўринга муносиб қўрилди. Топкент, Фарғона, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари вакиллари эса биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.



— Бу беллашув республикамизда мунтазам ўтказиб келинмоқда, — дейди ҳакамлар ҳайъатининг раиси, йўл ишлар вазири йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Анвархўжа Сулаймонхўжаев. — Андижонлик автонаторатчилар бу йилги мусобақаларда чуқур билимга эга эканлигини исботлади. Энди улар шу йилнинг 5-13 август кунлари Россия Федерациясида ўтказиладиган халқаро беллашувда қатнашади.

Тадбирнинг ёпилиш маросимида голиб жамоалар «Akva invest» суғурта компаниясининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

## Олимпиячиларимиз рақиблари: Австралия, Ироқ ва БАА

■ Куала-Лумпур (Малайзия)да жойлашган ОФК қароргоҳида 2012 йили Лондонда бўлидиган XXX ёзги Олимпия ўйинларининг Осие минтақаси учинчи саралаш босқичига қуръа ташланди.

Унга кўра, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси мусобақанинг «В» гуруҳида Австралия, Ироқ ва БАА футболчилари билан кейинги босқич йўлланмаси учун кураш олиб боради. Олимпиячиларимиз гуруҳ учрашувларини 21 сентябрь кўни Тошкентда Ироқ футболчиларига қарши ўйин билан бошлайди. Вакилларимизнинг қолган учрашувлари қўйдаги са-

наларда бўлиб ўтиши режалаштирилган:  
2011 йил 23 ноябрь. БАА — Ўзбекистон  
2011 йил 27 ноябрь. Австралия — Ўзбекистон  
2012 йил 5 февраль. Ўзбекистон — Австралия  
2012 йил 22 февраль. Ироқ — Ўзбекистон  
2012 йил 14 март. Ўзбекистон — БАА.

Осие минтақаси саралаш босқичининг «А» ва «С» гуруҳларидан эса қўйдаги жамоалар жой олган:  
«А» гуруҳи: Жанубий Корея, Қатар, Саудия Арабистони, Уммон.

«С» гуруҳи: Япония, Баҳрайн, Сурия, Малайзия. Эслатиб ўтамай, гуруҳ голиблари тўғридан-тўғри Лондон олимпиядасига йўлланма олади. Иккинчи ўрин соҳиблари эса «лей-офф» босқичига бериладиган ягона йўлланма учун курашади.

## «Бунёдкор» анъанани бузмади

■ 7 июль кўни футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лига жамоалари расман биринчи давра баҳсларини ниҳоясига етказишди. Шу кўни чемпионат ўнинчи турининг қолдирилган «Пахтакор» — «Бунёдкор» жамоалари баҳси бўлиб ўтди.



Мазкур учрашувга қизиқиб жуда баланд эди. Жамоалар бунгача ўзаро саккиз марта баҳс қилишган. Шулардан иккитасида бунёдкорчилар ғалаба нашидасини суришган, қолган олти ўйинда эса дуранг қайд этилганди.

«Пахтакор» Марказий стадионида кечган бу галги баҳсда ҳам «Бунёдкор» жамоаси анъанани бузмади. Мурасиз ва шиддатли ўтган учрашувда дарвозалар дахлсиз-

лиги сақлаб қолинди — 0:0. Натияжада бу ҳисоб жамоаларнинг чемпионат жадалидидаги мавқеига таъсир қилмади.

**Биринчи даврадан кейинги вазият**

	Ғ	Д	М	Т-Н	О
1. Бунёдкор	11	2	0	31-6	35
2. Насаф	9	3	1	24-6	30
3. Пахтакор	9	2	2	16-6	29
4. Нефтчи	7	2	4	16-10	23
5. Олмалик	6	3	4	21-18	21
6. Бухоро	5	3	5	10-11	18
7. Машъал	5	3	5	15-19	18
8. Андижон	5	2	6	18-17	17
9. Металлург	5	0	8	17-23	15
10. Навбахор	3	4	6	8-13	13
11. Шўртан	3	2	8	10-25	11
12. Қизилқум	2	4	7	9-19	10
13. Сўғдиёна	2	3	8	16-29	9
14. Динамо	2	1	10	6-15	7

Диққат, танлов!

Адлия вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки ва Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси

## «ЭНГ ЯХШИ ҲУҚУҚ ТАРҒИБОТЧИСИ»

танловини эълон қилади.

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодини воға етказиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур танловдан мақсад — аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёш авлодини ҳуқуқий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, ушбу йўналишда фидойилик кўрсатган, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг қўлмали тарғибот ишларини амалга ошираётган ҳуқуқ тарғиботчиларини аниқлаш ва уларни рағбатлантиришдан иборат.

«Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси» танловида республикамизнинг барча фуқаролари, мамлакатимизда яшаш гувоҳномасига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этиши мумкин.

Танлов ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида ўтказилади.

**Ғолиблар**

қўйидаги номинациялар бўйича аниқланади:

- «Жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун»;
- «Ёшлар орасидаги кенг қўлмали ҳуқуқий тарғиботга қўшган ҳиссаси учун»;
- «Ҳуқуқий тарғиботдаги фидойилиги учун»;
- «Энг ёш ҳуқуқ тарғиботчиси».

Танловда қатнашиш истагани билдирган номзодларнинг ҳужжатлари ва материаллари ташкилий қўмитанинг ишчи органига расмий хат билан топширилади.

**Хатга қўйидагилар**

- Илова қилиниши лозим:
- тегишли ташкилот ёки таълим муассасасининг тавсияси;
- номзоднинг паспорт нусخаси ва анкетаси;

Самарқанд вилояти қурилишида танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Ўзбекистон овози» газетасининг 2011 йил 21 июнь, 74-сониде берилган «Каттақўрғон тумани молия идораси, газончилик хизмати ва бюджетдан ташқари пенсия фонди биносини реконструкция қилиш» объекти бўйича бюргетчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганини сабабли объектнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан — 716 510 488 сўм, ҚҚСсиз — 597 092 073 сўмга ўзгарганини, шунингдек, танловор ташкилотлар тақдирларини таъин қилган мезонларига ҳам ўзгартиришлар киритилганини ҳамда пудратчи ташкилотнинг танлаш барча турдаги субъектлар ўртасида ўтказилишини маълум қилади.

**BO'LIMLAR:**

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотибиyat — 233-72-83, 236-55-17.

**MANZILIMIZ:**

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746

11278

nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari

Topshirish vaqti — 21.00

O'za yakuni — 21.00

Topshirilgan vaqti — 21.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Asror MO'MINOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7433

4 7 7 2 0 3 0 7 6 3 0 0 6

1 2 3 4 5

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Bobir ALIMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Tat'yana KISTANOVA

G'afar HOTAMOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihdiddin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad SAIDAHMAD

RAHIMOV